



ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ТАЪСИРИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

Амонова Назокат Уткуровна -
ТДИУ, Банк иши ва инвестициялар
кафедраси катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a84

Аннотация. Ушбу тадқиқотнинг мақсади республикада инвестицияларни бозор механизмлари орқали молиялаштиришнинг иқтисодиёт ривожига таъсирининг эконометрик таҳлили натижасида иқтисодиётни ривожлантириш усуллари ўрганишдан иборат. Бунда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши ёритилган ҳамда уларнинг таҳлили юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция фаолияти, молиялаштириш, бозор механизмлари, қимматли қоғозлар, инвестиция фонди, пай фондлари.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ ЧЕРЕЗ РЫНОЧНЫЕ МЕХАНИЗМЫ НА ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ

Амонова Назокат Уткуровна -
ТГЭУ, старший преподаватель кафедры
«Банковское дело и инвестиции»

Аннотация. Целью данного исследования является изучение методов экономического развития в результате эконометрического анализа влияния финансирования инвестиций через рыночные механизмы на экономическое развитие нашей республики. Подчеркнута важность совершенствования рыночных механизмов финансирования инвестиционной деятельности и на основе их анализа разработаны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, финансирование, рыночные механизмы, ценные бумаги, инвестиционный фонд, паевые инвестиционные фонды.

ECONOMETRIC ANALYSIS OF THE IMPACT OF INVESTMENT FINANCING THROUGH MARKET MECHANISMS ON ECONOMIC DEVELOPMENT

Amonova Nazokat Utkurovna -
TSEU, Senior Lecturer, Department
of Banking and Investments

Resume. The purpose of this study is to study the methods of economic development as a result of an econometric analysis of the impact of investment financing through market mechanisms on the economic development of our republic. The importance of improving market mechanisms for financing investment activity was emphasized, and proposals and recommendations were developed based on their analysis.

Key words: investments, investment activity, financing, market mechanisms, securities, investment fund, mutual investment funds.

Кириш. Бугунги кунда капиталларнинг халқаро ҳаракати жараёнларини ўрганиш жаҳон иқтисодиётини молиялаштириш шароитида энг катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Дарҳақиқат, жамият ривожланиши билан алоҳида мамлакатлар иқтисодиёти ўртасидаги муносабатлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, капиталларнинг хорижий инвестициялар кўринишидаги қарам ҳаракатида ҳам тез ўсиб бормоқда. Шу боис мамлакат иқтисодий ўсишида инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмларини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралади. Бу ҳолат мамлакат ЯИМга ўз таъсирини кўрсатиб, "...ҳар ой дунё мамлакатлари ЯИМнинг 2 фоизгача пасайишига олиб келиши мумкин" [1].

Шунингдек, 2022 йил 20 декабрь куни давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида "...Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаيمиз. Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик. Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш инвестицияларни молиялаштиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тадқиқотимизда кўриб чиқиладиган "инвестиция

фаолияти”, “инвестиция фаолиятини молиялаштириш” тушунчаларининг эконометрик таҳлили хусусида чет эл ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Хусусан, иқтисодий динамиканинг биринчи моделини яратган R.Solou уни ялпи миллий маҳсулот ва капитал ресурсларининг комплекс функцияси сифатида кўрган [2].

Классик иқтисодчи олим J.M.Keyns биринчилардан бўлиб ЯИМни икки компонентга, яъни истеъмол ва инвестицияларга бўлиш йўли билан ўрганишни амалга оширди [3].

Хорижлик иқтисодчи олим О.Бланчард инвестициялар ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқликни модель ёрдамида исботлаган. Бу жуда оддий модель ($I=\dot{I}$) бўлиб, бунда инвестициялар ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларга сезиларли даражада сезгир эмас [4].

Россиялик иқтисодчи олимлар О.Шукарев ва Е.Ворочкина ўз тадқиқотларида Россия мамлакатада инвестиция фаолиятининг вақтли қатор маълумотлари асосида ишлаб чиқилган эконометрик моделида “Молиявий ва номолиявий инвестицияларнинг ЯИМга таъсирини боғлайдиган моделлар асосида мамлакатларда ЯИМ динамикасини таққослаб, АҚШдаги ҳар бир инвестиция туридаги бир хил ўзгаришлар билан ЯИМ ўзгаришига таъсири жуда яқин ва молиявий бўлмаган инвестициялар унинг ўзгаришига кучлироқ таъсир қилади” [5] деган хулосага келишган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига, инвестицияларни бозор механизмлари орқали молиялаштиришнинг иқтисодиёт ривожига таъсирининг эконометрик таҳлили бўйича таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланди. Мавзунини ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлашдан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот бўйича эконометрик тенгламаларни ишлаб чиқишда эмпирик маълумотлар вақтли қаторлар маълумотлари асосида шакллантирилганлиги сабабли эконометрик тенгламаларнинг VAR (Vector Autoregressive) ва ARDL (Autoregressive Distributed Lag) моделларидан фойдаланилди.

Тадқиқот бўйича ишлаб чиқилган гипотезага биноан мамлакат молия секторида қимматли қоғозлар савдо ҳажмининг ўсиш суръати

ортиши ва иқтисодий фаолиятда саноат тармоқларининг ялпи қўшилган қиймати ўсиш суръати ортиши натижасида миллий иқтисодиётда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати ошди. Ушбу омиллар ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлиги миллий иқтисодиётда ЯИМнинг сезиларли таъсирини ифодалайди.

Эконометрик моделларни ишлаб чиқишда таҳлилий маълумотлар, Давлат статистика қўмитаси (www.stat.uz) веб-сайтида эълон қилинган маълумотлардан фойдаланилди.

VAR (Vector Autoregressive) модели вақтли қаторлар маълумотларида эконометрик тенгламаларда “лаг” билан бир йил олдинги қадамнинг ўзгаришларини ҳисоблаш орқали аниқланади [6].

VAR (Vector Autoregressive) бир нечта вақтли қаторлар динамикаси модели бўлиб, унда ушбу вақтли қаторлар жорий қийматлари бир хил вақтли қаторларнинг олдинги қийматларига боғлиқ. VAR модели тузилмавий моделларнинг чекловларидан холи ҳисобланади. VAR моделларининг муаммоси таҳлил қилинадиган вақтли қаторларда сони ва кечикишлар сонининг кўпайиши билан параметрлар сонининг кескин ўсишидан иборат [7].

VAR (Vector Autoregressive) модели кечиккан жавобларнинг чизиқли функциялари ва бошқа шартлар сифатида n та хил, стационар жавоб ўзгарувчилари n та тенгламалар тизимини ўз ичига олган кўп ўзгарувчан вақтли қаторлар модели ҳисобланади. VAR моделлари ҳам p даражаси билан тавсифланади. VAR (p) моделидаги ҳар бир тенглама тизимдаги барча ўзгарувчиларнинг p лагларини ўз ичига олади.

Кўп омилли вақтли қаторларда фойдаланишни тавсифлаш учун куйидаги формулалардан фойдаланамиз.

VAR (p). Унга кўра:

$$y_t = c + \sum_{j=1}^p \Phi_j y_{t-j} + \varepsilon_t(1)$$

Бу ерда: $y_t = t$ вақтидаги аниқ вақтли қатор ўзгарувчиларнинг $n-1$ вектори.

$c =$ ҳар бир тенгламада доимий силжишларнинг $n-1$ вектори.

$\Phi_j =$ AR коэффициентларининг n матрицаси, бу ерда $j=1, \dots, p$ ва Φ_j фақат нолларни ўз ичига олган матрица эмас.


$\varepsilon_t =$ вақтлар оралиғидаги хатоликлар қиймати.

Тадқиқотга кўра, VAR моделиин ишлаб чиқишда коинтеграцион вақтли қаторларнинг кўрсаткичлари логарифланди, вақтли қаторлар стационарликка текширилди ҳамда регрессион тенглама қурилди. Шунингдек, Гаус Марков муҳим шартлари текширилди.

Тадқиқот бўйича 2002-2021 йиллар давомида асосий капиталга ўзлаштирилган инвести-

циялар ўсиш суръати, мамлакат молия секторида қимматли қоғозлар савдо ҳажмининг ўсиш суръати ва иқтисодий фаолиятда саноат тармоқларининг ялпи қўшилган қийматининг

ўсиш суръати таркибининг таҳлилий график матрицаси жадвали қуйидаги кўринишга эга бўлди (1-расмга қаранг).



1-расм. Боғлиқ ўзгарувчи ва мустақил ўзгарувчи график матрицаси

Манба: Stata дастури асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

1-расм бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръати, мамлакат молия секторида қимматли қоғозлар савдо ҳажмининг ўсиш суръати ва иқтисодий фаолиятда саноат тармоқларининг ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръати график матрица бўйича

ўртача зичлик мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Тадқиқот бўйича Stata дастури асосида боғлиқ ўзгарувчи ва мустақил ўзгарувчиларнинг ҳар бири бўйича ўзаро корреляцион боғлиқликлар текширилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Омиллар ўртасида боғланишларнинг корреляцион матрицаси

	Y	X1	X2
Y	1.000000		
X1	0.4263	1.000000	
X2	0.6391	0.1350	1.000000

Манба: Stata дастури асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

2-жадвалдан кўришимиз мумкинки, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас. Тадқиқот бўйича боғлиқ

ўзгарувчи ва мустақил ўзгарувчи VAR модели бўйича коинтеграцион боғлиқликни таҳлил қилишда Dickey-Fuller тестини текширдик.

3-жадвал

Боғлиқ ўзгарувчи (Y) бўйича Dickey-Fuller кўрсаткичи

Боғлиқ ўзгарувчи (Y)	Test Statistic	1 % Critical Value	5 % Critical Value	10 % Critical Value	p-value for Z(t)
	-4.425	-3.750	-3.000	-2.630	0.0006

Манба: Stata дастури асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

Dickey-Fuller тест статистик қиймати (-4.425) ва қолган қийматлар (-3.750, -3.000, -2.630) қийматларни ифодалаб, манфий сон сифатида кичик қийматни ташкил этди ва кучли стационарлик мавжудлигини кўрсатди. Шунингдек, MacKinnon қиймати $Z(t)=0.0006$ кичик қийматни ташкил этиб, кучли стационарлик мавжудлигини ифодалади.

Юқоридаги жадвалларга кўра, ушбу ҳолатда боғлиқ ўзгарувчилар ва мустақил ўзгарувчилар бир марта интегралланганидан кейин қийматлар стационарга айланди ва коинтеграцион боғлиқликнинг шarti бажарилди.

Тадқиқот бўйича VAR модели бўйича регрессион тенгламаси ишлаб чиқилди (6-жадвалга қаранг).

VAR модели бўйича тенглама кўрсаткичлари

lnY	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95 % Conf	Interval]	Sig
lnX1	.173	.115	1.50	.102	-.07	.415	
lnX2	2.804	.814	3.44	.003	1.086	4.521	***
Constant	-3.042	1.275	-2.39	.029	-5.731	-.352	**
Mean dependent var		1.551	SD dependent var			0.021	
R-squared		0.447	Number of obs			20	
Adj R-squared		0.381					
F-test		6.865	Prob > F			0.005	
Akaike crit. (AIC)		-103.992	Bayesian crit. (BIC)			-101.005	

*** p<.01, ** p<.05, * p<.1

Манба: Stata дастури асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

6-жадвалга кўра, VAR модели регрессион тенгламадаги омил белгилар, мос равишда, 0.17 ва 2.80 қийматини ҳосил қилган бўлса, стандарт хатоликлар 0.11 ва 0.81 қийматини ташкил қилган.

Шунингдек, ANOVA жадвалидаги ҳақиқий қиймати F=6.86 қийматини ҳосил қилиб, юқори қийматга эга бўлган.

Тадқиқот бўйича R-squared=0.44 ва тузатилган детерминация коэффициенти Adjusted R²=0.38 қийматга эга бўлиб, берилган модель сифати ижобий қийматни ташкил этган.

VAR модели бўйича эконометрик тенглама куйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\ln Y = 0.17 \ln X1 + 2.80 \ln X2 - 3.04 \quad (3)$$

VAR модели бўйича эконометрик тенглама – Гаус Марков шартлари текширилди.

Бизнинг тадқиқот бўйича маълумотлардаги кўрсаткичлар, кузатувлар сонидagi вақтли давр йигирматани ва белгилар сонидagi омиллар учтани ташкил этиб, Гаус Марковнинг ушбу шарти бажарилган.

Бизнинг тадқиқотимиздаги маълумотларга кўра, эмпирик қийматлар модели назарий маълумотлар йиғиндисига тенг ва Гаус Марковнинг иккинчи шарти ҳам бажарилган (7-жадвалга қаранг).

Эконометрик тенглама бўйича Гаус Марков 2-шарти


Ўзгарувчи омиллар	Кузатувлар сони	Ўртача қиймати	Стандарт четланиш	Минимум	Максимум
Model	20	1.551468	.0142652	1.524306	1.57618
lnY	20	1.551468	.0213417	1.517361	1.594929

Манба: Stata дастури асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

Тадқиқот бўйича Гаус Марковнинг учинчи шарти текширилди. Унга кўра, эконометрик моделнинг қолдиқ белгилари ва омил белгилари боғланмаслиги кўзда тутилган. Тадқиқот бўйи-

ча Гаус Марковнинг ушбу шарти ҳам бажарилган (8-жадвалга қаранг).

Шунингдек, модель бўйича боғлиқ ўзгарувчи ва мустақил ўзгарувчиларнинг график гистограммаси ишлаб чиқилди.



2-расм. Боғлиқ ўзгарувчи ва мустақил ўзгарувчилар гистограммаси

Манба: Stata дастури асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

2-расмга кўра, иқтисодий фаолиятда саноат тармоқларининг ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръати гистограммаси тенг тақсимланган бўлса, мамлакат молия секторидида қим-

матли қоғозлар савдо ҳажмининг ўсиш суръати ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръати гистограмма графиги бўйича тенг тақсимланмаган.

8-жадвал

Эконометрик модель назарий қийматлари ва қолдиқ қийматларининг кўрсаткичлари

Йиллар	Модель назарий қиймати	LnY Қолдиқ қиймати	LnX1 Қолдиқ қиймати	LnX2 Қолдиқ қиймати
2002	1.543175	1.539753	1.546889	1.543408
2003	1.539708	1.541364	1.542364	1.534767
2004	1.541929	1.539551	1.545524	1.528673
2005	1.537004	1.541965	1.538535	1.541365
2006	1.53931	1.540762	1.541164	1.564183
2007	1.538515	1.537104	1.539955	1.569798
2008	1.536323	1.539348	1.536692	1.582217
2009	1.538711	1.539955	1.539348	1.608758
2010	1.539214	1.539955	1.540359	1.594198
2011	1.539896	1.541765	1.540157	1.644624
2012	1.539944	1.54056	1.542164	1.558031
2013	1.539267	1.539753	1.540963	1.570488
2014	1.538392	1.539753	1.540359	1.544297
2015	1.537637	1.539955	1.539955	1.516478
2016	1.540671	1.540157	1.540359	1.682712
2017	1.531586	1.529767	1.529338	1.622666
2018	1.530519	1.52783	1.527613	1.634811
2019	1.535036	1.533787	1.534205	1.615043
2020	1.533337	1.533368	1.532948	1.567963
2021	1.535144	1.53566	1.535453	1.565956

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Stata дастурида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

Эконометрик модель бўйича Гаус Марковнинг муҳим шартларидан муваффақиятли ўтилди. Биз тадқиқот бўйича вақтли қаторлар асосида ARDL модели эконометрик тенгламасини ҳам ишлаб чиқдик.

Модель бўйича боғлиқ ўзгарувчилар кейинги йил учун ҳам таъсири кўриб чиқилди.

Шундай қилиб, ARDL модели тартибини баҳолашда иштирок этадиган маълумотларни яратиш жараёнларининг стохастик элементлари ўртасидаги замонавий корреляцияни таъминлаш учун тўғри кенгайтирилган.

Тадқиқот бўйича ARDL моделидан фойдаланган ҳолда эконометрик тенглама тузилди.

$$y_t = \beta_1 y_{t-1} + \beta_2 x_1 + \beta_3 x_2 + u_t \quad (4)$$

Бу ерда:

Δy_t - асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръати;

$\beta_1 y_{t-1}$ - бир йил олдинги асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръати;

$\beta_2 x_1$ - мамлакат молия секторидида қимматли қоғозлар савдо ҳажмининг ўсиш суръати;

$\beta_3 x_2$ - иқтисодий фаолиятда саноат тармоқларининг ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръати;

u_t - йиллар оралиғидаги хатоликлар қиймати.

Тадқиқот бўйича ARDL модели эконометрик тенгламаси Stata дастури асосида ишлаб чиқилди.

9-жадвал

ARDL модели регрессион тенглама кўрсаткичлари

Y	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95 % Conf	Interval]	Sig
L	.259	.206	1.26	.227	-.179	.698	
X1	.12	.131	0.09	.037	-.16	.4	
X2	2.942	.899	3.27	.004	1.026	4.859	***
Constant	-10.831	4.312	-2.51	.024	-20.021	-1.641	**
Mean dependent var		4.724	SD dependent var			0.102	
R-squared		0.493	Number of obs			19	
F-test		4.853	Prob > F			0.014	
Akaike crit. (AIC)		-38.573	Bayesian crit. (BIC)			-34.796	

*** p<.01, ** p<.05, * p<.1

Манба: Stata дастури асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

9-жадвалга кўра, ARDL модели регрессион тенгламадаги омил белгилар, мос равишда, 0.25, 0.12 ва 2.94 қийматларини ҳосил қилган бўлса, стандарт хатоликлар 0.2, 0.13 ва 0.89 қийматларини ташкил қилган.

Шунингдек, ANOVA жадвалидаги ҳақиқий қиймати $F=4.85$ қийматини ташкил этди.

Модель бўйича тузатилган детерминация $R\text{-squared}=0.49$ ва коэффиценти сифати ижобий қийматни ҳосил қилган.

ARDL модели асосидаэконометрик тенглама ишлаб чиқилди.

$$Y=0.25Y_{t-1}+0.12X1+2.94X2-10.84 \quad (5)$$

Хулоса ва таклифлар. Миллий иқтисодиёт бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръати, мамлакат молия секторида қимматли қоғозлар савдо ҳажмининг ўсиш суръати ва иқтисодий фаолиятда саноат тармоқларининг ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръатининг ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган таҳлиллар ва хулосалар натижасида куйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. VAR модели тенгламаси бўйича эконометрик модель $LnY=0.17lnX1+2.80lnX2-3.04$ га кўра, мамлакат молия секторида қимматли қоғозлар савдо ҳажмининг ўсиш суръатининг 1%га ортиши, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръатининг 0,17 фоизга ортишига олиб келади. Шунингдек, иқтисодий

фаолиятда саноат тармоқларининг ялпи қўшилган қиймати ўсиш суръатининг 1 %га ортиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръатининг 2,80 %га ортишига олиб келади.

2. ARDL модели тенгламаси бўйича эконометрик модель $Y=0.25Y_{t-1}+0.12X1+2.94X2-10.84$ га кўра, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръатининг 1 %га ортиши бир йилдан кейин асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръатининг 0,25 фоизга ортишига олиб келади. Мамлакат молия секторида қимматли қоғозлар савдо ҳажмининг ўсиш суръати 1 %га ортиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръатининг 0,12 %га ортишига олиб келади ҳамда иқтисодий фаолиятда саноат тармоқларининг ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръати 1 %га ортиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръатининг 2,94 %га ортишига олиб келади.

3. Бизнинг фикримизча, тадқиқот бўйича VAR ва ARDL моделларининг эконометрик тенгламаларидан келиб чиқиб, ARDL модели бугунги кун миллий иқтисодиётимизда оптимал модель ҳисобланади. ARDL моделидан шунини кўришимиз мумкинки, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръати бир йилдан кейин ҳам ижобий иқтисодий таъсирини кўрсатади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Chakraborty I., Maity P. COVID-19 outbreak: Migration, effects on society, global environment and prevention. *International Journal Science of the Total Environment* 728 (2020) 138882.
2. Robert M. Solow, Chapter 9 Neoclassical growth theory, *Handbook of Macroeconomics, Elsevier, Volume 1, Part A*, 1999.
3. Keynes J.M. *Selected works*. – M.: Economics, 1993. Pp. 224-518.
4. Blanchard Olivier. *Macroeconomics. Third Edition*. Pearson Education Inc.; Prentice Hall. 2003. P. 52.
5. Oleg Sukharev, Ekaterina Voronchikhina. "Financial and non-financial investments: comparative econometric analysis of the impact on economic dynamics". 04 June 2020. <http://www.aimspress.com/journal/QFE>
6. Emeka Nkoro, Aham Kelvin Uko. *Journal of Statistical and Econometric Methods*, vol.5, no.4, 2016, 63-91. ISSN: 1792-6602 (print), 1792-6939 (online) Scienpress Ltd, 2016.
7. Магнус Я.Р., Катышев П.К., Пересецкий А.А. *Эконометрика. Начальный курс*. – М.: Дело, 2007. 504 с. ISBN: 978-5-7749-0473-0.
8. Amonova N.U. *Improving Market Mechanisms of Financing Investment Activities*. *Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences*, 2022, 108-114. Retrieved from <https://procedia.online/index.php/philosophy/article/view/243>



https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a85

MEVA-SABZAVOTLAR EKSPORTINI RIVOJLANTIRISHDA EKONOMETRIK MODELLASH USULLARINING SAMARALI QO'LLANISHI

Bayev Adil Xabibullayevich –
Agroiqtisodiyot va turizm kafedrasini
katta o'qituvchisi, TDAU

Annotatsiya. Ushbu maqolada O'zbekistonda meva-sabzavot mahsulotlari eksporti holati o'rganilib, meva-sabzavot mahsulotlari eksportiga ta'sir etuvchi omillar bo'yicha olingan ma'lumotlar matematik va statistik usullar yordamida tahlil qilingan. Olingan modelning prognoz sifati baholandi va tahlil natijalariga ko'ra ushbu yo'nalishni yanada rivojlantirish bo'yicha xulosalar chiqarildi.

Tayanch so'zlar: qishloq xo'jaligi mahsulotlari, meva-sabzavotlarga ta'sir qilish, natija omili, ta'sir etuvchi omillar, korrelyatsiya koeffitsiyenti, regressiya tenglamasi parametrlari, multikollinearlik, ekonometrik model, modelni baholash.